

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КУРБАНБАЕВА АМАНГУЛ ЖАЙЛАУБАЕВНА

ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ҚУРИЛМАЛАРНИНГ МАКТАБ
ЎҚУВЧИЛАРИ САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИГА ХАВФ ДАРАЖАСИНИ
ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

14.00.07 – Гигиена

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Курбанбаева Амангул Жаилаубаевна

Замонавий рақамли қурилмаларнинг мактаб

ўқувчилари саломатлик ҳолатига хавф

даражасини гигиеник баҳолаш..... 5

Курбанбаева Амангул Жаилаубаевна

Гигиеническая оценка рисков состояния

здоровья школьников при использовании

современных цифровых устройств..... 21

Kurbanbayeva Amangul Jailaubayevna

Hygienic assessment of health risks for

schoolchildren using modern digital devices..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КУРБАНБАЕВА АМАНГУЛ ЖАЙЛАУБАЕВНА

ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ҚУРИЛМАЛАРНИНГ МАКТАБ
ЎҚУВЧИЛАРИ САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИГА ХАВФ ДАРАЖАСИНИ
ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

14.00.07 – Гигиена

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2424 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Санитария, гигиена ва касб-касалликлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилова Роза Толановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эрматов Низом Жумакулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Искандарова Гулноза Тулкиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тожикистон профилактик тиббиёт илмий-тадқиқот институти (Тожикистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « _____ » _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университети, 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университети, 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил « _____ » _____ кун тарқатилди.
(2025 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.И.Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) ддиссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда замонавий рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш орқали жамиятнинг тезкор рақамлашуви кузатилмоқда. Халқаро электр-алоқа иттифоқи ва БМТнинг ҳисоботига кўра, «...замонавий рақамли қурилмалар ва Интернетдан бутун дунё аҳолисининг ўртача 68% фойдаланиб келмоқда, фойдаланувчиларнинг 71% ёшлар бўлиб, уларнинг $\frac{1}{3}$ қисмини 18 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади, чунки таълим жараёни тобора чуқурроқ даражада замонавий электрон ўқитиш воситалари билан интеграциялашиб бормоқда...»¹. ЖССТ ва ЮНЕСКО томонидан 14 та мамлакатда ўтказилган тадқиқотлар шунини кўрсатдики, болалик даврида рақамли қурилмалардан нормаидан ортиқ фойдаланиш кўриш кескинлигининг пасайиши, қадди-қомат бузилиши, жисмоний фаолликнинг сусайиши ва ўзлаштириш даражасининг пасайиши, психоэмоционал ўзгаришлар, шунингдек нотўғри овқатланишга олиб келади, бу эса ўз навбатида семириш ва соматик касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Шу муносабат билан, мактаб ўқувчиларининг таълим ва кунлик фаолиятида рақамли қурилмалардан фойдаланишнинг хавфсиз шартлари ва қоидаларини илмий асослаш, рақамли ортиқча юкланиш натижасида юзага келадиган функционал бузилишларнинг олдини олишга гигиеник ёндашувларни шакллантириш, шунингдек, ота-оналар, ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари учун профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда рақамли қурилмалар ва интернетдан оммавий фойдаланишнинг хусусиятларини, компьютер синфларида таълим олиш билан боғлиқ санитария-гигиена шароитларини баҳолаш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада мактаб ёшидаги болалар саломатлигини муҳофаза қилишга ҳамда турмуш тарзи, овқатланиш тартиби ва овқатланиш одатларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда касалланиш ва психоэмоционал бузилишларга таъсирини ўрганиш асосида рақамли технологиялардан хавфсиз фойдаланиш бўйича гигиеник нормаларни ишлаб чиқиш орқали касалликларнинг олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган ҳамда болаларнинг жисмоний ва руҳий ривожланиши учун қулай шароит яратадиган хавфсиз рақамли таълим муҳитини шакллантириш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ «...тиббий-санитария хизматининг оммабоплиги ва сифатини ошириш, болалар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш кўникмаларини ривожлантириш, таълим жараёнига хавфсизлик ва ўқувчилар

¹ <https://news.un.org/ru/story/2024/11/1458816>

саломатлигини сақлаш талаблари асосида инновацион технологияларни жорий этиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, замонавий рақамли технологиялардан фойдаланишнинг ўқувчилар саломатлигига таъсир этувчи хавф омилларини гигиеник баҳолаш ва уларни минималлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2023 йил 24 майдаги ПФ-76-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2024 йил 1 февралдаги ПФ-25-сон «Рақамли технологиялар халқаро марказини ташкил этиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа нормаий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Узоқ хориж олимлари томонидан рақамли қурилмаларнинг болалар саломатлигига таъсири билан боғлиқ потенциал хавф омилларини ўрганишга қаратилган кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Экран қаршисида ўтказиладиган вақтнинг кўриш қобиляти бузилишлари билан боғлиқлиги исботланган (Maducdoc M.M. et al., 2017; Ichhpujani P. et al., 2019; Alvarez-Peregrina C. et al., 2020), шунингдек, овқатланиш тартиби, семизлик, хулқ-атвор ва овқатланиш бузилишлари (Kenney E.L., Gortmaker S.L., 2017; Collings P.J. et al., 2018), уйқу ва психоэмоционал ҳолатдаги ўзгаришлар билан (Goldfield G.S. et al., 2016; Dondi A. et al., 2021; Chatterjee S., Kar S.K., 2021) боғлиқлиги аниқланган. Мобил алоқа воситаларининг организмнинг асосий тизимлари ва функционал ҳолати билан боғлиқ шикоятларнинг намоён бўлишига таъсири ҳам ўрганилган (Wang J. et al., 2017). Чет эл муаллифларнинг илмий нашрларида янги йўналишлар - геймификация ва киберспортнинг саломатлик учун хавфлари фаол тадқиқ этилиб, уларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган (DiFrancisco-Donoghue J. et al., 2019; Bahrilli T. et al., 2020; Yin K. et al., 2020; Ketelhut S. et al., 2021; Lam W.K. et al., 2022). МДХ давлатларида замонавий электрон таълим муҳити билан боғлиқ хулқ-атвор ва гигиеник хавф омиллари илмий асосланган, мактабларда рақамлаштиришнинг саломатликка таъсири исботланган ҳамда рақамли воситалардан фойдаланишни регламентлаш бўйича ёндашувлар

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони.

ишлаб чиқилган (Вятлева О.А., Курганский А.М., 2018; Кучма В.Р., 2018; Солдатова Г.У., Вишнева А.Е., 2019; Александрова И.Е., 2020; Криволапчук И.А., Чернова М.Б., 2020; Новикова И.И. ва бошқ., 2022). Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари, когнитив функциялари ва интернетга қарамлиги билан боғлиқ масалалар ҳам ўрганилган (Печерская Э.П. ва бошқ., 2013; Собкин В.С., Федотова А.В., 2018; Карабанова О.А., Молчанов С.В., 2018).

Ўзбекистонда қатор олимлар томонидан мобил алоқа воситаларининг электромагнит нурланиши, уяли телефоннинг фойдаланувчилар саломатлигига таъсирига субъектив жавоблари ўрганилиб, мактаб ўқувчиларини электромагнит нурланишдан ҳимоялаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган (Магай М.П., Ташпулатова Г.А., Гаврук Т.И., 2003; 2004; Шайхова Г.И. ва бошқ., 2011; Ташпулатова Г.А., Магай М.П., Хамидова Г.М., 2015). Шунингдек, ўқувчиларда рақамли қурилмалардан ортиқча фойдаланиш натижасида юзага келадиган хулқ-атвор бузилишлари, киберспортга жалб қилинган болаларнинг турмуш тарзи ва овқатланиш характерлари ўрганилган (Камилова Р.Т. ва бошқ., 2017; 2022; 2023; Шайхова Г.И. ва бошқ., 2011; Юлдашев Б.А. ва бошқ., 2019).

Бироқ республикада замонавий рақамли қурилмалардан фойдаланиш параметрларига оид ягона тавсия этилган нормалар ишлаб чиқилмаган. ахборот-коммуникация технологияларнинг (АКТ) болалар касалланиши, уларнинг психоэмоционал ҳолати, соғлом турмуш тарзи тамойилларига, жумладан, овқатланиш тартиби ва озиқланиш одатларига таъсири тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд эмас. Буларнинг барчаси умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш хусусиятларини чуқур ўрганиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Мактаб ёшидаги болаларнинг ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини комплекс баҳолаш, овқатланиш ва жисмоний тарбияни ташкил этишнинг физиологик-гигиеник тамойилларини ҳисобга олган ҳолда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ёндашувларини илмий асослаш, ҳамда ўқитишнинг ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш» (2021-2025 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан жадал фойдаланишда хавф омилларини аниқлаш ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган профилактика чора-тадбирларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумтаълим мактабларининг компьютер синфлари ва жиҳозларига санитария-гигиена нуктаи назаридан баҳо бериш ҳамда мактаб ёшидаги болаларнинг рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш хусусиятларини аниқлаш;

ўқувчиларнинг касалликларга мойиллиги ва психоэмоционал ҳолатига таъсирини аниқлаш, шунингдек, мактаб ўқувчиларида касалликларни башорат қилиш учун хавф омилларини комплекс баҳолаш;

рақамли қурилмалар ва интернетдан фойдаланишнинг болалар турмуш тарзи, овқатланиш тартиби ва овқатланиш характериға таъсирини баҳолаш;

мактаб ўқувчилари саломатлигининг бузилишини олдини олиш мақсадида замонавий рақамли қурилмалар ва Интернетдан фойдаланишнинг гигиеник нормаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳрининг 4 та туманида жойлашган 5 та умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган 11 ёшдан 18 ёшгача бўлган (5-11 синф) 900 нафар ўқувчилар: 1-гуруҳ (асосий) - АКТдан тез-тез ва узоқ вақт давомида фойдаланган болалар (491 нафар) ва 2-гуруҳ (назорат) - рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқлардан кам фойдаланадиган ўқувчилар (409 нафар) олинган.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим мактаблари ва компьютер синфларида ўқитишнинг гигиеник шароитлари, болаларнинг замонавий АКТдан фойдаланиш турлари ва вақт режимлари, мактаб ёшидаги болаларнинг касалланиши, психоэмоционал ҳолати, турмуш тарзи ва овқатланиш характерининг хавф омиллари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда сўровнома, скрининг-тест, санитария-гигиеник, ҳисоблаш, таҳлилий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактаб ўқувчиларининг рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш даражасининг ёшга боғлиқлиги, уларнинг кундалик тартиби ва овқатланишидаги ўзгаришлар, жисмоний фаолликнинг ва ўқув натижаларининг пасайиши билан намоён бўлиши асосида 11-13 ва 14-18 ёшдаги ўқувчилар учун рақамли технологиялардан хавфсиз фойдаланиш бўйича гигиеник нормалари ва тавсияларини ишлаб чиқишга дифференциал ёндашув илмий жиҳатдан асосланган;

рақамли қурилмалардан фойдаланиш интенсивлиги ва мактаб ўқувчиларида неврологик, офталмологик, отоларингологик ва гастроэнтерологик шикоятларининг кўпайиши, шунингдек, функционал бузилишлар - уйқу бузилиши, асабийлашувчанлик кучайиши ва ҳиссий беқарорликнинг ортиши ўртасидаги боғлиқлик илмий жиҳатдан исботланган;

рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқлардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланадиган болалар орасида хавф остида бўлган ёш гуруҳлари: 11-13 ёшдаги ўқувчилар асаб ва овқат ҳазм қилиш тизимлари касалликларини ривожланиш хавфи юқори бўлган деб таснифланиши, 16-18 ёшдаги ўқувчиларда эса хулқ-атвор ва психоэмоционал касалликларни ривожланиш хавфи юқори бўлган деб таснифланиши аниқланган;

назорат гуруҳидаги рақамли қурилмалардан чекланган даражада фойдаланадиган мактаб ўқувчилари юқори ўқув фаоллик (хусусан, хорижий тилларни ўрганишда), спорт, ижодий ва меҳнат фаолиятига кўпроқ жалб қилиниши билан ажралиб туриши аниқланиб, шунингдек, ҳаддан ташқари рақамли фаолликнинг болалар шахсий ривожланиши ва таълим олишига салбий таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

компьютер синфларининг санитария-гигиена шароитлари, жиҳозланиши ва жиҳозлари, иш жойларини ташкил этиш, АКТ ускуналари ва воситалари

билан ишлаш шароитлари ва тартиби, шунингдек ўқувчиларнинг тўғри ўтириши бўйича талаблар белгиланган;

умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ўқиш сменасига (куннинг биринчи ёки иккинчи ярми) қараб кун тартибининг тахминий схемаси ишлаб чиқилган, кундалик фаолиятнинг ҳар хил турлари учун ўртача вақт белгиланган, экран юкламасининг частотаси, давомийлиги ва интенсивлиги бўйича гигиеник нормалар асосланган;

электрон-компьютер спорти (киберспорт) билан шуғулланувчи ўқувчилар учун энергия ва асосий озиқ-овқат моддаларига бўлган кунлик эҳтиёжнинг тавсия этилган миқдорлари, ўртача кунлик озиқ-овқат тўпламлари аниқланган;

рақамли технологиялардан фаол фойдаланувчи болалар саломатлигига хавф туғдирувчи омилларни аниқлаш учун ишлаб чиқилган сўровномалардан фойдаланиш, мактаб тиббиёт ходимлари ва гигиенист-шифокорларга мунтазам равишда скрининг-тестлар ўтказиш ва асаб тизими касалликлари, психоэмоционал ҳолат бузилишлари, овқат ҳазм қилиш аъзолари, кўриш ва эшитиш органлари касалликларини ўз вақтида аниқлаш, шунингдек кун тартиби ва дам олиш, овқатланиш тартиби ва характерларини тузатиш имконини бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, танланган умумтаълим мактаблари ва турли гуруҳлардаги ўқувчилар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, бир-бирини тўлдирувчи сўровнома ва скрининг-тест, санитария-гигиена, таҳлилий ва статистик тадқиқот усуллар асосида замонавий ахборот технологияларини хавфсиз қўллашнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник талабларини такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, олинган натижалар хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосалар ва олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти рақамли технологиялардан ҳаддан ташқари фойдаланишнинг асаб ва овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари, хулқ-атвор ва психоэмоционал бузилишлар, кўриш ва эшитиш аъзолари фаолиятидаги оғишлар ривожланишининг юқори хавфи билан боғлиқлигини аниқланган, тартибсиз кун тартиби, овқатланиш тартибининг бузилиши, рационга тез-тез нисбатан «носоғлом» хусусиятга эга озиқ-овқат ва ичимликларни киритиш, жисмоний фаоллик ва ўқув ютуқлари даражасининг пасайиши каби муаммолар билан ҳам боғлиқлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти рақамли технологиялардан фаол фойдаланадиган болалар саломатлигига хавфларни аниқлаш имконини берган, умумтаълим мактабларида ва дарсдан ташқари вақтларда ўқувчилар томонидан замонавий рақамли қурилмалардан фойдаланишнинг гигиеник нормалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, киберспорт билан шуғулланадиган ўқувчилар учун кунлик энергия ва асосий озиқ-овқат моддалари эҳтиёжлари, овқатланиш тартиби ҳамда ўртача кунлик озиқ-овқат тўпламлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланишда болалар

саломатлигига хавф омилларини аниқлаш ва профилактика чоратadbирларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: мактаб ўқувчиларининг рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш даражасининг ёшга боғлиқлиги, уларнинг кундалик тартиби ва овқатланишидаги ўзгаришлар, жисмоний фаолликнинг ва ўқув натижаларининг пасайиши билан намоён бўлиши асосида 11-13 ва 14-18 ёшдаги ўқувчилар учун рақамли технологиялардан хавфсиз фойдаланиш бўйича гигиеник нормалари ва тавсияларини ишлаб чиқишга дифференциал ёндашув илмий жиҳатдан асосланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022-йил 28-декабрда 8н-р/1578-сон билан тасдиқланган «Киберспорт билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг овқатланиши, кун тартиби ва дам олишини оқилона ташкил этиш методикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўйича 2024 йил 25 январдаги 3-сон, Сурхондарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 2023 йил 21 июлдаги 86-Т-сон, Тошкент вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 2024 йил 22 ноябрдаги Р-321-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 июлдаги 22-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* компьютер синфларининг санитария-гигиена шароитларини оптималлаштириш, иш жойларини ташкил этиш ва рақамли қурилмалар билан ишлаш тартибини такомиллаштириш бўйича профилактика тадбирлари мажмуасини ўтказиш, кун тартиби ва дам олишни оқилона ташкил этиш, ўқув ютуқларини яхшилаш; соғлом овқатланиш одатларини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш ва соғлиқ учун хавфни камайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик:* мактаб ўқувчилари ўртасида рақамли қурилмалардан интенсив ва назоратсиз фойдаланиш натижасида юзага келадиган касалликларни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган ўртача 95000-115000 сўм (бир курс даволаниш учун эса ўртача 640000-780000 сўм) бюджет маблағлари тор мутахассис шифокорлар маслаҳатлари ва клиник-лаборатория таҳлилларига бўлган эҳтиёжни камайтириш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: рақамли қурилмалардан фойдаланиш интенсивлиги ва мактаб ўқувчиларида неврологик, офталмологик, отоларингологик ва гастроэнтерологик шикоятларининг кўпайиши, шунингдек, функционал бузилишлар - уйқу бузилиши, асабийлашувчанлик кучайиши ва ҳиссий беқарорликнинг ортиши ўртасидаги боғлиқлик илмий жиҳатдан исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022-йил 28-декабрда 8н-р/1578-сон билан тасдиқланган «Киберспорт билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг овқатланиши, кун тартиби ва дам олишини оқилона ташкил этиш методикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўйича 2024 йил 25 январдаги 3-сон, Сурхондарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 2023 йил 21 июлдаги 86-Т-сон, Тошкент вилояти

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 2024 йил 22 ноябрдаги Р-321-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 июлдаги 22-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик*: компьютер синфларининг санитария-гигиена шароитларини оптималлаштириш, иш жойларини ташкил этиш ва рақамли қурилмалар билан ишлаш тартибини такомиллаштириш бўйича профилактика тадбирлари мажмуасини ўтказиш, кун тартиби ва дам олишни оқилона ташкил этиш, ўқув ютуқларини яхшилаш; соғлом овқатланиш одатларини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш ва соғлиқ учун хавфни камайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик*: мактаб ўқувчилари ўртасида рақамли қурилмалардан интенсив ва назоратсиз фойдаланиш натижасида юзага келадиган касалликларни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган ўртача 95000-115000 сўм (бир курс даволаниш учун эса ўртача 640000-780000 сўм) бюджет маблағлари тор мутахассис шифокорлар маслаҳатлари ва клиник-лаборатория таҳлилларига бўлган эҳтиёжни камайтириш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқлардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланадиган болалар орасида хавф остида бўлган ёш гуруҳлари: 11-13 ёшдаги ўқувчилар асаб ва овқат ҳазм қилиш тизимлари касалликларини ривожланиш хавфи юқори бўлган деб таснифланиши, 16-18 ёшдаги ўқувчиларда эса хулқ-атвор ва психоэмоционал касалликларни ривожланиш хавфи юқори бўлган деб таснифланиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022-йил 28-декабрда 8н-р/1578-сон билан тасдиқланган «Киберспорт билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг овқатланиши, кун тартиби ва дам олишини оқилона ташкил этиш методикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўйича 2024 йил 25 январдаги 3-сон, Сурхондарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 2023 йил 21 июлдаги 86-Т-сон, Тошкент вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 2024 йил 22 ноябрдаги Р-321-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 июлдаги 22-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик*: компьютер синфларининг санитария-гигиена шароитларини оптималлаштириш, иш жойларини ташкил этиш ва рақамли қурилмалар билан ишлаш тартибини такомиллаштириш бўйича профилактика тадбирлари мажмуасини ўтказиш, кун тартиби ва дам олишни оқилона ташкил этиш, ўқув ютуқларини яхшилаш; соғлом овқатланиш одатларини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш ва соғлиқ учун хавфни камайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик*: мактаб ўқувчилари ўртасида рақамли қурилмалардан интенсив ва назоратсиз фойдаланиш натижасида юзага келадиган касалликларни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган ўртача 95000-115000 сўм (бир курс даволаниш учун эса ўртача 640000-780000 сўм) бюджет маблағлари тор мутахассис шифокорлар маслаҳатлари ва клиник-лаборатория таҳлилларига бўлган эҳтиёжни камайтириш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: назорат гуруҳидаги рақамли қурилмалардан чекланган даражада фойдаланадиган мактаб ўқувчилари юқори ўқув фаоллик (хусусан, хорижий тилларни ўрганишда), спорт, ижодий ва меҳнат фаолиятига кўпроқ жалб қилиниши билан ажралиб туриши аниқланиб, шунингдек, ҳаддан ташқари рақамли фаолликнинг болалар шахсий ривожланиши ва таълим олишига салбий таъсири исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022-йил 28-декабрда 8н-р/1578-сон билан тасдиқланган «Киберспорт билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг овқатланиши, кун тартиби ва дам олишини оқилона ташкил этиш методикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўйича 2024 йил 25 январдаги 3-сон, Сурхондарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 2023 йил 21 июлдаги 86-Т-сон, Тошкент вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 2024 йил 22 ноябрдаги Р-321-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 июлдаги 22-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* компьютер синфларининг санитария-гигиена шароитларини оптималлаштириш, иш жойларини ташкил этиш ва рақамли қурилмалар билан ишлаш тартибини такомиллаштириш бўйича профилактика тадбирлари мажмуасини ўтказиш, кун тартиби ва дам олишни оқилона ташкил этиш, ўқув ютуқларини яхшилаш; соғлом овқатланиш одатларини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш ва соғлиқ учун хавфни камайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик:* мактаб ўқувчилари ўртасида рақамли қурилмалардан интенсив ва назоратсиз фойдаланиш натижасида юзага келадиган касалликларни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган ўртача 95000-115000 сўм (бир курс даволаниш учун эса ўртача 640000-780000 сўм) бюджет маблағлари тор мутахассис шифокорлар маслаҳатлари ва клиник-лаборатория таҳлилларига бўлган эҳтиёжни камайтириш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробатсияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган,

тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши акс эттирилган, нашр этилган илмий ишлар сони келтирилган ҳамда Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертация ишининг **«Замонавий рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқларнинг мактаб ёшидаги болалар саломатлигига таъсири муаммолари»** деб номланган биринчи боби турли хил рақамли қурилмалардан фойдаланишнинг тарқалиши, частотаси ва давомийлигини; замонавий рақамли технологиялардан фойдаланганда болалар саломатлиги учун хавфларни гигиеник баҳолашни; замонавий рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишнинг болалар психоэмоционал ривожланиши хусусиятлари ва турмуш тарзига таъсирини ўрганишга бағишланган.

Диссертация ишининг **«Тадқиқот объектилари, ҳажми ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти ва ҳажми, умумтаълим мактабларининг санитария-гигиена шароитларини баҳолаш усуллари, касалланишни ўрганиш ва болалар саломатлик ҳолати хавфларини баҳолаш усуллари, шунингдек, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш усуллари батафсил тавсифланган.

Тадқиқотлар 2021-2022 ўқув йилларида Тошкент шаҳрининг 11 та туманидан 4 тасида (Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Чилонзор ва Миробод) жойлашган 5 та (122-, 195-, 205-, 218- ва 294-сонли) умумтаълим мактабларида олиб борилган. Тадқиқот объекти сифатида 11 ёшдан 18 ёшгача бўлган 900 нафар 5-11-синф ўқувчилари танланган. Ўқувчилар сони ҳар бир ёш гуруҳида ўртача 50 нафарни ташкил этди, уларнинг 435 нафари ўғил болалар (48,4%) ва 465 нафари киз болалар (51,6%). Рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш давомийлиги, интенсивлиги, частотаси ва муддатига кўра, текширилган барча болалар 2 гуруҳга ажратилган: 1 гуруҳ (асосий) - ҳар куни рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқларга кўп вақт сарфлайдиган болалар (491 нафар ўқувчи); 2 гуруҳ (назорат) - рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқлардан нисбатан кам фойдаланувчи ва уларга оз вақт ажратадиган болалар (409 нафар ўқувчи). Бешта умумтаълим мактаби биноларининг, шу жумладан информатика хоналарининг санитария-гигиена шароитлари, ҳаво-иссиқлик ва ёритиш тизимлари хусусиятларини баҳолаш олиб борилган. Мактабларнинг микроклим кўрсаткичларини (ҳарорат, ҳаво ҳаракати тезлиги ва нисбий намлиги, атмосфера босими) аниқлаш учун «Метеоскоп-М» қурилмасидан фойдаланилган. Хона ичидаги ёритилганлик даражасини (табiiй, сунъий ва аралаш) ўлчаш учун эса «ТКА-ПКМ-31» русумли люксметр қўлланилган.

Мактабларни санитар-гигиеник текшириш натижаларининг қиёсий таҳлили ўтказилди. Бу таҳлил қуйидаги нормаий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилган: 0341-16-сонли СанҚваН «Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни ўқитиш шароитларига қўйиладиган гигиеник талаблар»; 0063-24-сонли СанҚваН «Таълим ташкилотлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ахборот-коммуникация технологиялари хоналари, уларнинг жиҳозлари ва ахборот-коммуникация технологияларидан

фойдаланиш тартибига қўйиладиган санитария-гигиеник талаблар»; 2.04.05-97-сонли ҚМҚ «Иситиш, вентилятсия ва ҳавони кондициялаш»; 2.01.05-98-сонли ҚМҚ «Табиий ва сунъий ёритиш»; ҳамда 01-04-сонли МКМ «Умумий ўрта таълим мактаблари ва мактаб-интернатлар».

Болалар саломатлиги ҳолатини ўрганиш мақсадида махсус ишлаб чиқилган «Замонавий рақамли қурилмаларнинг ўқувчилар саломатлигига таъсирини ўрганиш сўровномаси» ёрдамида ўтказилган. Сўровнома 44 та савол ва уларнинг ҳар бирига бир нечта жавоб вариантларини ўз ичига олган 5 та бўлимдан иборат. Сўров-суҳбат ўтказиш учун «Ижтимоий тармоқларнинг умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг психоэмоционал ҳолатларига таъсирини ўрганиш сўровномаси» номли ягона шаклдаги сўровнома ишлаб чиқилган. Ушбу сўровнома икки бўлимдан иборат бўлиб, бир нечта жавоб вариантларига эга 21 та саволни қамраб олган. Мактаб ўқувчилари орасида касалланиш даражасини баҳолаш учун «Ўқувчилар касалланишини ўрганиш бўйича скрининг сўровномаси» ёрдамида скрининг-тест ўтказилган. Сўровнома 3 та бўлимни ўз ичига олган: биринчи бўлим - шахсий маълумотлар (Ф. И. О., жинси, туғилган санаси, текширув санаси, мактаб рақами); иккинчи бўлим - сўнгги йилларда саломатлик ҳолати, шифокорга мурожаат қилиш сони ва тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ савол жавоб вариантлари билан; учинчи бўлим – одам организми аъзолари ва тизимларидаги патологик жараёнлар ҳамда характерли ўзгаришларни кўрсатиши мумкин бўлган шикоятларни аниқлашга қаратилган 59 та савол. Тадқиқот учун ишлаб чиқилган иккита сўровнома ва тестларда ҳар бир саволга бир нечта жавоб вариантларидан ташқари, «билмайман/жавоб беришга қийналаман» деган жавобни ҳам ўз ичига олган. Сўровнома ва тестлар Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 294-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари орасида дастлабки синовдан ўтказилган ва Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти Илмий кенгаши йиғилишида тасдиқланган (23.02.2021-йилдаги 2-сонли баённома). Сўровнома ва тестлар ўтказилганда этика ва хулқ-атвор нормаларига тўлиқ риоя қилинди. Этика ва хулқ-атвор экспертиза баённомаси тузилган, унда «Ўқувчи ва/ёки унинг ота-онасининг хабардор қилинган розилик шаклидаги хабарнома» ҳамда ишлаб чиқилган сўровнома ва тестлар муҳокама қилиниб, маъқулланган. Тадқиқот ўтказиш учун Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, туман халқ таълими муассасаларида методик фаолиятни ташкил этиш ва таъминлаш бўлимлари ҳамда тадқиқот ўтказилган умумтаълим мактаблари раҳбарларидан тегишли рухсатномалар олинган. Тадқиқот давомида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари орасида касалланиш даражасини башорат қилиш учун энг катта эҳтимоллик усулидан фойдаланган ҳолда мактаб ўқувчиларининг саломатлик ҳолатига таъсир этувчи хавф омилларининг интеграллашган баҳоланиши ўтказилди (Пономарева Л.А., Маматкулов Б.М., 2009). Асаб тизими касалликлари ва хулқ-атвор бузилишлари билан боғлиқ касалликларнинг шаклланишига олиб келувчи омилларни таҳлил қилишда барча ўқувчилар шартли равишда икки гуруҳга ажратилган: асосий гуруҳни потенциал хавф билан боғлиқ уч ёки ундан ортиқ саволларга ижобий жавоб берган болалар ташкил этган; назорат гуруҳини эса 3 тадан кам саволга ижобий жавоб берган респондентлар ташкил қилган. Шунингдек, овқат ҳазм қилиш тизимидаги бузилишлар билан


боғлиқ шикоятларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи омилларни ўрганишда текширилаётган ўқувчилар контингенти икки гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳни овқат ҳазм қилиш аъзолари билан боғлиқ шикоятлар ёки аломатлар мавжудлигини акс эттирувчи 1 ва ундан ортиқ саволларга ижобий жавоб берган ўқувчилар ташкил этган; назорат гуруҳини эса ҳеч қандай бузилиш белгиларини қайд этилмаган ва барча тегишли саволларга салбий жавоб берган ўқувчилар ташкил қилган. Ҳар бир гуруҳ учун ўрганилган омилларнинг градацияси ўтказилди ва асосий гуруҳ кўрсаткичларининг назорат гуруҳига нисбати сифатида аниқланадиган ҳақиқатга ўхшашлик коэффициентлари ҳисоблаб чиқилган. Хавф омилларининг интеграллашган баҳоланиши алоҳида омилларнинг минимал ва максимал қийматларини қўшиш орқали шаклланди. Шунга кўра, паст даражадаги хавф қулай ҳисобланади, ўрта даражадаги хавф тиббиёт ва педагогик ходимлар томонидан эътиборни кучайтиришни талаб қилади, юқори даража эса шошилиш профилактика ва тузатиш чораларини талаб қиладиган салбий башорат белгиси сифатида баҳоланган.

Олинган барча маълумотлар Microsoft Excel 2016 ва Statistica 6.0 компьютер дастурлари тўплами ёрдамида статистик таҳлил қилинди. Маълумотлар нисбий кўрсаткичларни (% ва % ҳолатларда) ҳисоблаш орқали вариатсион-статистик усулда қайта ишланган, ўртача арифметик қиймат (M) ва унинг хатоси ($\pm m$) ҳисоблаб чиқилган. Ўртача қийматлар Стъудент мезони (t) асосида қиёсий баҳоланган. Маълумотлардаги фарқлар даражасини аниқлаш учун $p \leq 0,05$ ишончлилик даражаси қабул қилинган.

Диссертация ишининг «**Умумтаълим мактабларида АКТдан фойдаланишнинг гигиеник шартлари**» деб номланган учинчи боби компьютер синфлари хоналари ва жиҳозларининг санитария-гигиеник баҳосини, шунингдек, мактаб ёшидаги болаларнинг рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш хусусиятларини ўз ичига олган.

Текширилган барча умумтаълим мактабларида лойиҳавий сиғимнинг ҳақиқий сиғимдан 24,0% дан 30,9% гача ошганлиги аниқланди, ўртача ошиш коэффициенти 1,28 birlikни ташкил этган. Компьютер синфлари деразаларнинг жойлашувига оид талабларга риоя қилинган ҳолда жойлаштирилган, бошқариладиган қуёшдан ҳимоя воситалари билан таъминланган, табиий ва сунъий ёритилиш бўйича санитария нормаларига мос келган. Барча текширилган мактабларнинг компьютер синфларидаги микроклим кўрсаткичлари (ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракати тезлиги) йил фаслидан қатъи назар, «қиш-ёз» кондиционерларининг ишлаши туфайли санитария-гигиена нормаларига мувофиқ бўлиб, бу ўқувчилар учун қулай шароитлар яратиш имконини берган. Текширилган мактабларнинг компьютер синфлари ўқувчиларни ўқитиш учун замонавий рақамли қурилмалар билан жиҳозланган: компьютерлар (ҳар бир синфда 15-20 та), принтерлар (ҳар бир синфда 1-2 та), овоз кучайтиргичлар (ҳар бир синфда 15-20 та), интерактив доскалар (ҳар бир синфда 1 та), шунингдек, проекторлар (2 та мактабда 1 тадан), 3D проекторлар (3 та мактабда 1 тадан) ва VR кўзойнаклари (1 та мактабда) каби мултимедиа қурилмалари мавжуд. Компьютер синфларида иш столларининг жойлашуви норма талабларига мувофиқ (периметрал ва/ёки П-симон) амалга оширилган бўлиб, бу хавфсиз ва эргономик иш жойини ташкил этишга ёрдам беради. Текширилган

Ўқувчиларнинг ҳар бирида бир нечта замонавий рақамли қурилмалар мавжуд: смартфон ёки мобил телефон (87,2% ҳолларда), компьютер (37,1%), ноутбук (36,2%), ақлли соат (20,6%), планшет (18,1%), электрон китоб ўқувчи (10,4%) ва/ёки ўйин консоли (6,9% ҳолларда). Ўқувчиларнинг 74,7% рақамли қурилмалардан ўқув машғулотларига тайёргарлик кўриш, ўқув маълумотларини излаш ва улардан фойдаланиш учун, 83,8 фоизи эса турли ўйинлар ва кўнгилочар машғулотлар учун фойдаланилган. Бироқ, ўқувчиларнинг ярми компьютер ўйинларига қизиқишини яширади (1-расм). Барча текширилган ўқувчилар Интернет тармоғидан доимий фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, болаларнинг деярли 70% ҳар куни Интернетдан фойдаланган. 86,7% ҳолатларда смартфон ёки мобил телефон орқали, 53,7% ҳолатларда эса ноутбук, компьютер ва/ёки планшет орқали Интернетга уланган. Ўқувчиларнинг 21,2% ижтимоий тармоқларда рўйхатдан ўтиш сабабларидан бири сифатида ёлғизлик, зерикиш ва/ёки бекорчиликни кўрсатишган.




1-расм. Замонавий рақамли қурилмалардан фойдаланиш мақсадига кўра ўқувчиларнинг миқдорий тақсимоти, % ҳолларда

Мактаб ёшидаги болаларнинг деярли 10% рақамли қурилмалардан фойдаланган ва кунига 4 соат ёки ундан кўпроқ вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказган. Болаларнинг ярмидан кўпи куннинг кундузги, кечки ва тунги вақтларида электрон қурилмалар ва Интернет тармоғидан фойдаланган. Адабиёт маълумотлари билан қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳри ўқувчилари ва бошқа йирик шаҳарлар болаларининг турли хил рақамли қурилмалар ва интернетдан фойдаланиш хусусиятлари деярли фарқланмайди (Татаринчик А.А., 2021; Солдатова Г.У., 2019). Шу сабабли, рақамли қурилмалар ва интернетдан фойдаланиш частотаси, вақт тартиби, интенсивлиги ва давомийлиги бўйича ягона услубий тавсияларни ишлаб чиқиш мактаб ёшидаги болаларнинг кундалик тартибидаги камчиликларни бартараф этишга хизмат қилган. Олинган натижалар рақамли қурилмалар ва

Интернетдан фойдаланиш тартиби ва нормалари бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш (Тошкент, 2023) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси таълим-тарбия муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қўйиладиган гигиеник талаблар» Санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини қайта кўриб чиқиш (Тошкент, 2025) учун асос бўлди. Буларни амалга ошириш мактаб ёшидаги болаларнинг кундалик тартибдаги камчиликларни бартараф этишга хизмат қилган.

Диссертация ишининг «**Замонавий рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишнинг мактаб ёшидаги болалар соғлиғига таъсири**» деб номланган тўртинчи боби замонавий рақамли қурилмалар ва ижтимоий тармоқларнинг касалликларга мойилликни тавсифловчи шикоятлар ва аломатлар частотасига таъсирини ўрганишга ҳамда болалар саломатлиги учун хавф омилларини гигиеник баҳолашга бағишланган.

Асосий ва назорат гуруҳларидаги текширилган ўқувчилар орасида энг кўп учрайдиган касалликлар куйидагилар: асаб тизими касалликлари - VI синф ($34,3 \pm 2,08$ ва $26,9 \pm 2,01\%$), нафас олиш аъзолари касалликлари - X синф ($30,5 \pm 2,10\%$ ва $27,7 \pm 2,20\%$), хулқ-атвор бузилишлари ва кайфиятнинг бошқа ўзгаришлари - V синф ($26,4 \pm 1,94$ ва $18,9 \pm 1,94\%$), кўз ва унинг ёрдамчи аъзолари касалликлари - VII синф ($25,3 \pm 1,96$ ва $19,4 \pm 1,96\%$), ҳамда овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари - XI синф ($23,7 \pm 1,92$ ва $21,1 \pm 2,02\%$) (2-расм).



2-расм. Асосий ва назорат гуруҳи ўқувчилари орасида турли хил касаллик синфларига тегишли шикоят ва аломатларнинг улуши, %

Рақамли қурилмалардан фойдаланиш вақти бўйича тавсия этилган нормалардан ошиб кетган ўқувчиларда, назорат гуруҳига нисбатан, асаб

